

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

Вилоят ижтимоий—сиёсий газетаси

1993 йил, 17 апрель • шанба

1928 йил 11 декабрдан нашр этилмоқда.

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

№ 44 (10.470). Нархи 8 сўм.

САФАР ЯКУНЛАНДИ

Илгари хабар қилинганидек, Туркменистонга расмий сафар

қилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов раҳ-

барлигидаги Ўзбекистон ҳукумат делегацияси 14 апрель кунин Турк-

менистон Республикаси раҳбарияти билан ўзаро мулоқот ва музо-

каралар олиб борди. Бу учрашувларнинг якунида Ўзбекистон—

Туркменистон Қўшма баёноти имзоланди.

Кун охирида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Туркменистон Президенти Сапармурод Ниёзов ҳамроҳлигида Чоржўй шаҳрига келди. Ўзбекистон ҳукумат делегацияси сафарининг иккинчи кунин Чоржўй шаҳридаги «Буян» агросаноат комплекси билан танишишдан бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти шу кунин Чоржўй кимё корхонасида, тумандаги Халтурин номидagi жамоа ҳўжалигида ҳам

бўлиб, меҳнаткашларнинг иш шароитларин билан танишиш, ишчилар, деҳқонлар билан суҳбатлашди.

15 апрель кунин тушдан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Чоржўйдан Тошкентга жўнаб кетди.

Чоржўй аэропортида олий мартабали меҳмонни Туркменистон Республикаси Президенти С. Ниёзов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ислоҳ Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон ҳукумат делегацияси шу кунин Тошкентга қайтиб келди.

Тошкент аэропортида Ўзбекистон Президентининг Республика Олий Кенгаши

Раиси Ш. Йўлдошев, Бош вазир А. Муталов, Республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов, Тошкент шаҳри Ҳокими А. Фозилбеков кутиб олдидлар.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МИНСКА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислоҳ Каримов 16 апрель кунин Тошкентдан Минскка жўнаб кетди. У ҳамдўстликдаги Мустақил давлатлар бошлиқларининг Беларусь пойтахтида очиладиган учрашувинда қатнашди.

— Минскда бўладиган учрашувининг мақсади, — деди Ислоҳ Каримов жўнаб кетиш олдидан журналистлар билан бўлган қисқа суҳбат чоғида, — ниҳоят ҳамдўстлик давлатлари амалий ва самарали ҳамкорлигининг таъсирчан воситасини ишлаб чиқишдан иборатдир. Қабул қилинган қарорлар амалда бажарилмас экан, қанчалик яхши бўлмасин, Ёлғиз истак билан халқни боқиб бўлмайди. Ҳамдўстликни сўзда эмас, балки амалий ишлар билан мустаҳкамлаш ва ривожлантириш лозим.

Тошкент аэропортида Президентини Ўзбекистон Олий Кенгаши раиси Ш. Йўлдошев, Республика Бош вазир А. Муталов, вазирлар маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков кузатиб қолдилар.

(ЎЗА).

И. КАРИМОВ МИНСКА КЕЛДИ

МИНСК, 16 апрель (ЎЗА махсус мухбири Л. Левин). Беларусь пойтахти Ҳамдўстлик Давлатларининг бошлиқлари учрашувинда қатнашиш учун бутун бу ерга келган Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовни самимий кутиб олди. Аэропортда олий мартабали меҳмонга Беларусь Республикаси Олий Кенгашининг Раиси С. Шустерман, шу мамлакат бош вазир В. Кебич пешвоз чиқди.

Ўзбекистон Президентини аэропортдан «Заславль» ҳукумат қароргоҳига йўл олди, у ерда давлат бошлиқлари тор доирада иш бошладилар. Кейин учрашув Мустақил Давлатлар Ҳам-

дўстлиги мувофиқлаштирувчи органларининг биносинда экспертлар иштирокида кенгайтирилган таркибда давом эттирилди.

Кун тартибин расмий равишда эълон қилинмаган. Бу ерда таҳмин қилишларича, учрашувда давлатлар ўртасидаги самарали иқтисодий ҳамкорликни таъминлашнинг таъсирчан воситасини яратиш йўллари, шунингдек Улуғ Ватан урушидаги ғалабанин эллик йиллигига тайёргарлик кўриш тўғрисидаги, ҳамдўстликнинг қалтис минтақаларидаги можароларда азият чекканларни ҳимоя қилиш тadbирлари ҳақидаги масалалар кўриб чиқилади.

Тожикистон республикаси Ленинобод вилояти билан Тошкент вилояти кўп йиллардан буён турли соҳаларда яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. 15—16 апрель кунлари Тошкент вилояти делегацияси ана шу ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, уни янги поғонага кўтариш мақсадида ҳамкорлар ҳузурига борди. Биринчи кунинёқ Хўжанд туманидаги Саидхўжа Уринхўжаев номидаги жамоа ҳўжалиги маданият саройинда икки вилоят ўртасида иқтисодий, фан-техника ҳамда ижтимоий соҳаларда ўзаро ҳамкорлик ҳақида ўндан зиёд шартно-

ма имзоланди. Шартномаларни Тошкент вилояти ҳокими Сайфулла Сайдалиев билан халқ депутатлари Ленинобод вилояти кенгаши ижроия комитети раиси Абдужалил Ҳамидов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. КАРИМОВНИНГ ТУРКМЕНИСТОНГА ТАШРИФИ ЯКУНЛАРИ Тўғрисида

ҚўШМА АХБОРОТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси 1993 йил 14—15 апрель кунлари Туркменистонга расмий ташриф буюрди.

Ташриф давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов билан Туркменистон Президенти С. Ниёзовнинг суҳбати бўлиб ўтди. Учрашув чоғида Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида мустаҳкам дўстона алоқалар вужудга келгани, сиёсий, иқтисодий, инсонийлик ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик савияси муттасил ошиб бораётгани қайд этилди.

Тўла ҳамжихатлик ва дўстлик муҳитида ўтган суҳбат вақтида турли соҳалардаги амалий ҳамкорликнинг бундан буёнги йўллари белгиланди, иккала томонни қизиқтирувчи кўпгина масалалар муҳокама қилинди.

Давлат бошлиқлари 1991 йилда имзолаган Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ўзаро манфаатли икки томонлама алоқаларни кучайтириш ва кенгайтириш учун мустаҳкам негиз яратганини томонлар таъкидлаб ўтишди. Ҳозирги вақтда мазкур ҳужжатнинг қондалари бемалол бажарса бўладиган амалий мазмун билан тўлиб бормоқда.

Президентлар иккала мамлакатда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ҳақида бир-бирларини хабардор қилдилар, МДҲдаги вазият хусусида ва турли халқаро муаммолар юзасидан фикрлашиб олдилар.

Шу йил январь ойида Тошкентда эришилган еҳдлашувлар минтақадаги вазиятни барқарорлаштиришнинг муҳим омилли бўлиши, ҳар томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш, мавжуд иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, Ўзбекистон ва Туркменистон халқларининг фаровонлигини ошириш учун яхши истиқболлар очиши таъкидланди.

Томонлар Тожикистон ва Афғонистон теварагида вужудга келадиган вазият муносабати билан минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида қилинаётган сўй-ҳаракатларни қўлаб-қувватлашларини изҳор этдилар, бу масалаларни ҳал этишда БМТнинг имкониятларидан фойдаланиш кераклигини билдирдилар.

Музокаралар давомида Ўзбекистон Республикаси билан Турк-

менистон ўртасида энг муҳим соҳалардаги ҳамкорликнинг аниқлашган йўллари ва йўналишлари белгилан олди.

Томонлар нефть ва табиий газ қазиб олиш, қайта ишлаш ва ташиниш, бунинг учун зарур корхона ва иншоотларни қуриш ҳамда ишга тушириш, мазкур тармоқдаги лойиҳаларни биргаликда пул билан таъминлаш ишида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар.

Иккала давлатнинг манфаатлари йўлида замонавий транспорт коммуникацияларини қуриш ва тақомиллаштиришга оид қўшма лойиҳаларни амалга оширишни томонлар ҳамкорлигининг муҳим йўналиши деб топдилар. Томонлар жаҳон талаблари даражасига мос келадиган автомобиль йўллари ва темир йўл изларини биргаликда қуриш соҳасида зарур чора-тадбирларни кўриш ҳақида келишиб олдилар. Бу иш Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистоннинг ташқи алоқаларини ривожлантиришга кўмаклашди.

Сув бойлиқларидан оқилона фойдаланиш, экология, икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш масалалари ҳам батафсил муҳокама қилинди.

Томонлар шу дамгача вужудга келтирилган мустаҳкам негизларга таяниб, давлатлар ўртасида дўстона муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини бундан буён ҳам ривожлантириш мувапқлигини изҳор қилдилар.

Иккала томон Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Туркменистонга ташрифи якунларидан мамнуният изҳор этиб, бўлиб ўтган амалий ва самарали музокаралар иккала мамлакат халқлари ўртасида дўстликни ва кенг миқёсли ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшди, деб таъкидладилар. Ташриф мамлакатларимизни бир-бирига янада яқинлаштирди, халқларимиз ўртасидаги дўстлик, ҳамжихатлик ва ишончни мустаҳкамлади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов ўзига ва ҳамроҳларига қўрсатилган иззат-икром ва меҳмондўстлик учун Туркменистон Президенти С. Ниёзовга ва Туркменистон халқига чин кўнгилдан миннатдорчилик изҳор этди.

АШГАБАТ, 1993 йил 15 апрель.

ИККИ ВИЛОЯТ ҲАМКОРЛИГИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ
Хўжандда

имзоландилар. Шартномаларга мувофиқ қўшма корхоналар ташкил этиш, маҳсулотлар айирбошлаш, бозор иқтисодиёти муаммолари борасида фикрлашиб туриш, адабиёт ва санъат

ҳодимларининг ўзаро ташрифларини уюштириш каби кўплаб тadbирлар амалга оширилади.

Тошкент вилояти шаҳар ва туманлари билан Ленинобод вилояти шаҳар ва туманлари ҳамкорлиги тўғрисида ҳам ҳужжатлар имзоланди. Тошкентлик меҳмонлар вилоятнинг Ҳратепа, Исфара, Қайроққум, Конибодом шаҳарлари ва Пролетар, Мастчоҳ, Хўжанд туманларида ҳам бўлиб, меҳнат жамоалари билан учрашдилар.

Турон ТўғЧИЕВ,
Ленинобод вилояти.
(ЎЗА).

АДОЛАТ МЕЗОНИ БУЗИЛСА...

Аввал хабар қилинганидек, 13 апрель кун Термиз шаҳрида халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Кун тартибига қўйилган масалага ўтишдан олдинки оғиз вилоятдаги ижтимоий-сиёсий вазият ҳақида гапирмоқчиман, деди Президент нутқи аввалида. Яширишнинг ҳожати йўқ: сўнгги вақтларда Президент девонига, Вазирлар маҳкамасига, республика ҳуқуқ-тартибот органлари ҳамда газета таҳририятларига Сурхондарё вилоятдан кўпчилик шикоят хатлари, ташвишли хабарлар кела бошлади...

Вилоятга нуфузли комиссия юборишга мажбур бўлди. Аҳвол ҳар томонлама ўрганилганида, вазият биз ўйлагандан ҳам жиддий ва мураккаб бўлиб чиқди. Далиллар ўжар бўлади. Сурхондарёда ижтимоий адолат меъёрлари қўпол равишда бузилаётгани, жиноятчилик авж олаётгани, ижтимоий-сиёсий вазият тобора ёмонлашаётганини ташвишлантиради. Яқинда Денов шаҳрида рўй берган кўнгилсиз ҳодисалар ҳамамизни ҳушёр тортириши керак. Мен бу ҳақда кейинроқ батафсил тўхталам.

Тўғри, турли муаммолар фақат Сурхондарёда эмас, бошқа вилоятларда ҳам бор. Гап шунданки, уларни энди биз ўзимиз ҳал этишимиз керак. Мустақил давлатнинг мустақил фуқаролари сифатида ўзимиз яшаб турган қишлоқ, туман, вилоят, пиронардада бутун Ўзбекистонимиз равнақи учун ҳар биримиз жон куйдиришга, бор куч-қувватимиз, ақл-заковатимизни ишга солишга ўрганилик. Масалага шу нуқтадан назардан ёндашсак, Тошкентдан бирор Сурхондарёга келиб тартиб ўрнатиб беради, дейиш хомхалдир. Қарсикни қўлдан чиқади. Бугун ушбу мажлислар залига асосан Сурхондарё фарзандлари тўпланган.

Сизлар халқ ноиблари, давлат арбобларисиз. Тил-ёғламалик қилапти, деб ўйламангиз, ростдан ҳам шундай, давлат арбобларисиз. Шу юрт муаммоларини ўрганиш, бартараф

этиш, вилоятнинг истиқболлини белгилаш учун халқ сизга ваколат берган. Республика раҳбарияти бирон бир қарор қабул қилса, чора-тадбир кўрадиган бўлса, аввало, сизларнинг таклифларингиз, истақларингиз, тавсияларингизни инобатга олади. Шунинг учун рўй берган воқеаларга фаол муносабат билдиришингизни сўрайман. Келинлар, бирга ўйлашайлик, фикрлашайлик.

Жамият ҳаёти шундай мураккаб ва нозик қурилаганки, унинг бирон бир соҳасида андак ўпирилиш содир бўлса, албатта, бу без кетмайди. Сурхондарёда ижтимоий адолат меъёрларининг бузилиши, ошна-оғайнигарчилик, уручилик иллатларининг илдиз отиши, савдо, ҳуқуқ-тартибот органларидаги инсофсизлик элнинг кайфиятига, бу эса ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларига салбий таъсир этмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳаси — пахтачилик ривожланиш ўрнига йилдан-йилга орқага кетмоқда, деди Президент нутқини давом эттириб, мисолларга мурожаат қилайлик: 1990 йил вилоятда пахтанинг ҳар гектаридан 32,5 центнердан ҳосил олинган бўлса, 1992 йилда бу кўрсаткич 29,5 центнерга тушиб қолди. Олтинсой, Шўрчи туманларида ҳосилдорлик аввалги йилларга нисбатан 8—11,5 центнер камайган.

1992 йилни, ҳеч муобалағасиз, ғаллакорлар йили бўлди, дейиш мумкин. Обҳаво шароити қулай келганига қарамадан, гектар бошига етиштирилган ғалла ҳосили 1990 йилга нисбатан 1,5 центнер кам бўлди. Маккажўхори ҳосилдорлиги 7,2 центнер, шולי 4,5 центнер пасаиди.

Чорвачилик қолақ соҳага айланиб бормоқда. 1990 йил вилоят хўжаликлари 26596 тонна гўшт етказиб берган бўлса, 1992 йил бу кўрсаткич 18220 тоннага тушиб қолди. Сароисиё, Жарқўрғон, Ангор туманларида гўшт етиштиришнинг икки-уч баробар ка-

майганини қандай изоҳлаш мумкин.

Вилоятда сут соғиб олиш ҳам кескин камаймоқда. 1990 йил ҳар беш сигирдан 2400 литрдан сут олинган эди, орадан икки йил ўтар-ўтмас бу кўрсаткич 2100 литрга тушиб қолди. Бойсун, Қизириқ, Олтинсой, Жарқўрғон туманларида аҳвол айниқса ачинарли.

Давлатликими, жамоаникимми, хусусийими, хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар, мулк муқаддасдир. Афсуски, вилоятнинг бир қанча идоралари, хусусан, деҳқончилик-саноат уюмаси (ранси А. Тўрақулов) ходимлари мулкка эътиборни унутган кўринадилар.

1991 йил Қумқўрғон туманидаги «Ўзбекистон» давлат хўжалиги деҳқонлари 16 гектар ерда, — яна плёнка остида! — 371 тонна эртанги полиз маҳсулотлари етиштиришди. Мақтовга дойиқ иш! Лекин халқимиз дастурхонини беэши мумкин бўлган минглаб сўмлик ана шу тансиқ полиз маҳсулотлари май-июнь ойларида республикадан ташқарига чиқариб юборилди. Аянчли томони шундаки, давлат хўжалиги кассасига бир тийин ҳам кириш қилинмади. Ўз-ўзидан савол туғилади: хўш, бу мўмай пул кимнинг, аниқроғи, кимларнинг чўнтагига тушди экан! Республика Қишлоқ хўжалик вазирлиги назорат-тафтиш бошқармасининг ушбу қаллоблиқ ҳақида ўз вақтида берган ахбороти нега вилоят прокуратураси томонидан жиддий ўрганилмади?!

Вилоятда пахта толасини қинғир йўллар билан соғиш расм бўлиб қолган. Чунончи, Қизириқ туманидаги «Истара» давлат хўжалиги 1991 йилда 424 тонна пахта толасини ҳеч қандай ҳужжатсиз «Ўрта Осие» кичик корхонасига ҳар тоннасини 9800 сўмдан, Ўзбекистондаги «Дарён» фирмасига 17800 сўмдан, Учқизилдаги бир кичик корхонага эса 9000 сўмдан сотган. Озиқ-овқат саноати учун яроқли бўлган 150 тонна чигит республикада ёғ танқис бўлиб турган бир

паллада, чорва молларига ем қилиб берилди, баҳонасида ҳисобдан чиқарилган. Пахта чиқиндис 1991 йилдаги тегишли буйруққа асосан камиди 8 сўмдан сотилиши керак эди. «Истара»лик азаматлар эса 300 тонна чигитнинг ҳар килограммини 12 тийиндан ҳужжатлаштириб, катта миқдордаги чигит камомадларини ёпиб юборишган. Товаришунос А. Тўраев ва Ж. Раҳматуллаевнинг катта миқдорда камомадга йўл қўйгани ҳақидаги тафтиш материаллари вилоят прокуратурасида сансозликка учраб, ҳамон эътиборсиз ётибди.

«Ҳазорбоғ» совхозига мурожаат қилайлик. Ушбу давлат хўжалигида 710 тонна пахта толаси ғайриқонуний йўллар билан сотилган. Нағижанда республика бюджетига 82,5 миллион сўм зарар етказилди. 1992 йилда мажбур хўжалигининг 515 тонна дон маҳсулоти унга мутлақо алоқаси бўлмаган вино ишлаб чиқарувчи «Орзу» кичик корхонасига 51 миллион сўмга пуллаб юборилди. Бироқ шу кунга қадар хўжалик хазинасига бир қақа ҳам пул тушгани йўқ. Ҳақиқий нарх-наво билан баҳолаганда хўжалик бугдони кичик корхонага бир неча баробар арзон сотган.

Узун гуманидаги «Хурсанд» жамоа хўжалигида икки миллион сўмлик халқ мулки талон-тарож қилинди. Музробод туманидаги «Бўшқўтон» давлат хўжалигида 250 гектар ердаги шולי ҳисоботдан яшириб қолинган. Юзлаб тонна шולי турли хил савдо тапшилотларига арзон-гаровга улашилган. Гагарин матлубот жамиятига сотилган 100 тонна шולי ҳисобидан бир миллион сўм воситачилар чўнтагига тушган. Жарқўрғон туманидаги «Сурхон» давлат хўжалигига қарашли «Сурхон» пахта тозалаш корхонасига 386 тонна чигит хўжалик фермасига озуқа сифатида тарқатиб юборилган. Бойсун туманидаги «Мачай», Қумқўрғон туманидаги «Ўзбекистон» давлат хўжаликларида юз берган талон-тарожчилик, катта миқдорда давлат маблағини ўзлаштиришни прокуратура негадир уч йилдан буён эътиборсиз қолдириб келмоқда. Хўш, нега?

Вилоятда халқ хўжалигининг етакчи тармоқлари — саноат, транспорт, қурилиш ва халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш соҳаларида ҳам сурункали қолақлик, ғайриқонуний ишлар давом этмоқда. Бу ҳол айниқса бюджет маблағларидан фойдаланишда яққол кўзга ташланапти.

Қумқўрғон тумани ҳокимлиги табиий офатдан зарар кўрган иморатларни тиклашга ажратилган маблағдан 800 минг сўмини мутлақо бошқа нарсага сарфлаган. Денов тумани ҳокимлиги 910 минг сўм маблағнинг қонуний сарфланишига «бошқош» бўлган. Тежаб-тергаш ўрнига бюджет маблағларини талон-тарож этишга йўл очиб берувчи қарорлар қабул қилиш, афсуски, шаҳар ва туман ҳокимлари тажрибасида тез-тез учрамоқда.

Вилоят соғлиқни сақлаш тизимидаги 1089 автомашинадан фақат 800 таси балансда тургани аниқланди. Тиббий хизмат учун автомашина етишмай турган бир шароитда 34 автомашина маълум шахсларга арзон-гаров сотиб юборилган. Улар орасида ҳатто 1988-89 йилларда чиққан янги автомашиналар ҳам бор. Яна, техника йўқ, бензин йўқ, дейишади, Инсон ҳаётидан ҳам азизроқ нарса борми дунёда!

Ўз вақтида тиббий ёрдам етиб бормагани учунгина оламдан кўз юмган норасидлар, оналар, қарияларнинг қарғиши урмайдими бу ноинсофларни! Вилоят соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли муассасаларда катта миқдордаги камомад ва ўғирликлар одат тусига кирган. Шикоят ва аризаларнинг кўпчилиги тиббий ходимларнинг ўта инсофсизлиги, дори-дармон савдосидаги қинғирликлар ҳақида.

Вилоят тураржой ва коммунал хўжалиги бошқармасида тафтиш ва назорат мутлақо нутилган. Молия-хўжалик фаолияти ҳақидаги маълумотлар тўла-тўқис кўзбўямачиликдан иборат. Мазкур соҳа тармоқларида 1992 йил 1 январдан сўнг жихозлар янги нарх бўйича рўй-хатта олинмаган. Ўша йили бошқарманинг тураржой тизимида аҳолига кўрсатилган

(Даноми 3-бетда).

• Қутлов •

КЎП ЯШАНГ, УМРИХОН ОПА!



ОДАМ одам билан тирик. Кўнгил кўнгилдан сув ичади, дейишади халқимизда.

Ҳақ гап. Шундай инсонлар бўладики, улар эсини таниб, меҳнатга меҳр қўйганидан бошлаб, фақат одамларга яхшилик қилиш пайидан бўлади. Ана шундайлар билан бирга нафас олиб, меҳнат қилиб яшасанг фахрланасан киши. Зотан доимо уларга суянасан, мадад оласан. Яхши кунларингда уларни сира тилинган қўймайсан, ҳасратингни баҳам кўрасан. Бизнинг раиса опамиз — Умри Ҳасанова ана шундай тоифадаги саховатли, меҳридарё аёллардандир.

«Роватак» қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топиб, вояга етган бу оддий деҳқон қизи жамоа хўжалигининг аъзолигидан звено бошлиғи, бригадирликка кўтарилди. Сўнгра Турсуноичилар сафига қўшилиб, механик-ҳайдовчилик касбини эгаллади. Ундаги фидойи-

лик, одамийлик, камтарлик, меҳнатсеварлик, самимийлик фазилатларини тезда илғаб олган эл-улус Умрихонни жамоа хўжалиги раислигига сайлади.

Очигини айтиш керак. Ўша 1963 йилда қишлоғимизда раис бўлишга арзийдиган илмли, ўқимишли, лаёқатли, қобилиятли одамлар кўп эди. Лекин, халқнинг ихлоси, меҳри эса Умри опага тушганди.

Умрихон опа! Бугун 60 ёшга тўлган қўтлуғ кунингизда сиз бу ишончли, меҳрини фойда қадрлаганингиз самараси, меvasи ҳаммага аён бўлиб турибди.

Сиз дастлабки кунларда ноқ халқ билан маслаҳатлашиб, тажрибакорлар, тадбиркор деҳқонлар билан тил топишиб, астойдил ишга киришдингиз. Хўжаликни ривож топтириш, иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришга илгор усулларни, янгиликларни дадиллик билан жорий этишда ҳаммага бош-қош бўлдингиз. Пахтачилик билан бирга бошқа тармоқлар ҳам ривож топди. Ҳосилдорлик 13 центнердан 38 центнергача кўтарилди. Қишлоқ ободонлашди, маданий-маиший хизмат кўрсатувчи тармоқлар кенгайди, газлаштирилди.

Хўжаликнинг район, вилоят, қолаверса, жумҳурият миқёсидаги мавқеи юксалди, обрў-эътибори ортди.

Лекин, сиз ҳеч вақт ютуқлардан эсанкирамадингиз, аксинча, бу ютуқларни мустаҳкамлаш, имкониятлардан ҳар жиҳатдан тўла фойдаланиш йўлларини изладингиз. Ўзингизга ҳам, бошқаларга ҳам талабчанликни асосий ҳислат қилиб олдингиз. Билимингиз, маҳоратингизни оширишдан эринмадингиз. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда агрономлик ихтисосини ҳам эгалладдингиз.

Элини ўйлаганини, қадолаганини эл эъозлайди, дейдилар. Меҳнатларингиз муносиб тақдирланди. Сизга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор» унвони берилди. Ҳукуматимизнинг катор орден ва медаллари билан тақдирландингиз. Халқ ноиб сифатида ҳам катта жамоатчилик ишларини олиб бордингиз. Ўзингизнинг қарийб 26 йиллик ранслик фаолиятингиз давомида ҳар қандай топшириқларни сидқидилдан бажариб келдингиз. Ҳар бир қишлоқ аҳли, ҳар бир жамоа, ҳар бир оила, ҳар бир меҳнатчи қалбига йўл топа билдингиз. Ҳожатбарор раҳбар сифати-

да эл эъозига, ҳурматиға ҳақли равишда сазовор бўлдингиз. Мана, ҳозирги кунда жамоа бошқаруви раисининг ўринбосари лавозимига ҳам, хўжалик ишида ҳам фаол қатнашиб, ўзингизнинг бой тажрибангиз билан амалий ёрдам бермоқдасиз. Ҳар доимдагидек ёшларга устозлик қилмоқдасиз.

Биз яхши биламиз, сиз ҳаммага бирдек меҳрибон, ғамхўр, талабчан, тарбиячи раҳбар бўлигинга қолмай, оилапарвар онахон ҳамсиз. Оқ ювиб, оқ тараб ўстириб, илмли қилиб, устоз ўқитувчи қилиб етиштирган ўғлингиз — Муҳаммадолим сиз билан ҳарқанча фахрланса арзийди. Мукамбархон — қайнонанингиздаги ажойиб инсоний фазилатлар бутун ҳаётингиз давомида сизга ҳамроҳ, бир-бирдан суюклик фарзандларингиз, янада ардоқли невараларингизга доимо йўлдош бўлишига тилақдошимиз.

Қўтлуғ ёшингиз билан чин дилдан қўтлаймиз, Умрихон опа! Эл-юрт, фарзандларингиз бахти, иқболига кўп йиллар соғ-омон бўлинг!

УРТАЧИРЧИК РАИОНИДАГИ «РОВАТАК» ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ БОШҚАРУВИ.

АДОЛАТ МЕЗОНИ БУЗИЛСА...

(Давоми. Боши 2-бетда).

хизмат ҳақининг икки миллион сўми олинмагани аниқланди. 33 та махсус автомашинага зарурат бўлгани ҳолда ушбу корхонага қаршли «КамАЗ» автомашинаси ассоси равишда «Автобилчи» кичик корхонасига 63,5 минг сўмга сотиб юборилганини сира оқлаб бўлмайди. Корхона ҳисобидаги 200 квадрат метр ҳажмга эга бўлган қарийб ярим миллион сўмлик бино 1989 йилдан буён «Далварзин» кичик корхонасига ижарага бериб қўйилган. Тураржой ва коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиғи И. Қурбонов ўта пишиқ, адашса ҳам фақат ўз фойдасига адашадиган хилдан чиқиб қолди. У киши ўтган йили бюджет маблағи ҳисобига биржадан 1 миллион 375 минг сўмга «ГАЗ-31029» автомашинаси сотиб олди. Ҳозир катта сарф-харажатларни кўтарадиган замон эмас. Корхона учун харид қилинган экан, майли, бунни кечиршиш мумкин. Аммо у кишининг корхонага қаршли обдон таъмирланган «ГАЗ-24» автомашинасини бор-йўри 20 минг сўм тўлаб, ўз ҳисобларига ўтказганларига нима дейсиз!

Вилоятда халқ таълимининг аҳ оли айниқса ачинарлидир, деди Президент. Вилоятнинг 43 мактаби хароб аҳволда. Ўтган йили 483 мактабда ўқиш икки сменали бўлди. Ҳатто уч сменали мактаблар ҳам бор. Мактабларни чучук сув билан таъминлаш ҳам мутлақо қониқарсиз. 280 мактабга водород ўтказилмаган. 26 мактабда эса ўқувчилар ариқдан сув ичишга мажбур бўлмоқда. 380 мактабда каналлация тармоғи йўқ. 436 мактабнинг ошхонаси очиқ айвонларда жойлашган. 36 мактабда на ошхона, на буфет бор. Шўрчи туманида — 24 та, Қўшқўрғонда — 18 та, Музробода — 16 та, Бойсунда — 10 та болалар муассасалари ёпиқди. Боғча ва ясиллар ёпилгани туфайли ота-оналар иш билан узлуксиз банд бўлолмаёттилар.

Вонга етмаган ёшлар ўртасида қонунни бузиш ва жиноятчилик ташвишчи тарзда ўсиб бормоқда. Бундай қонунбузарлик ва жиноий хатти-ҳаракатлар 1992 йил да 1991 йилдагига нисбатан 40 фоиз кўпайди. Афсуски, мактаб муаллимларининг ўзлари ҳам аксарият ҳолларда тарбияга муҳтож. Ўтган йили тўрт ўқитувчи устидан жиноий иш қўзғатилди, 68 киши маъмурий жавобгарликка тортилди, 28 муаллим эса ҳушёрхонада тунаб чиқди. Ўқитувчилик — олижа-боб, мўътабар касб. Мен

меҳрибон мураббийларимиз, устозларимиз обрў-эътиборига заррача шак келтирмоқчи эмасман. Лекин, ўрни келганда, айтмасдан иложим йўқ. Ҳаммаларингга маълумки, президентликка сайланганимдан кейин мен имзо чеккан илк фармонлар ўқитувчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимол қилишга қаратилган эди. Уларга уй-жойларини текин хусусийлаштириб бердик, талай солиқ ва тўловлардан озод этдик. Ер участкалари, қурилиш материаллари тақсимланаётганда биринчи навбатда ўқитувчиларга берилсин, дедик. Бу орада уларнинг маошларини бир неча маротаба оширдик. «Соғлом авлод учун» орденини таъсис этганимизда биз ўқитувчи ва педагогларни ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантиришни кўзда тутганимиз. Ҳамиятимизнинг энг имтиёзли табақасига айланаётган муҳтарам ўқитувчиларимиздан шундан кейин ҳам ўртоқлар, нима қиялпсизлар, қаёққа қараясиз ўзи, деб сўрашга ҳаққимиз борми, йўқми?

Мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари, касалхона, маданий-маиший хизмат кўрсатиш биноларини қуриш, эскиларини таъмирлаш муаммо бўлиб турган бир шароитда вилоятда янги-янги масжидлар қуриляпти. Шу йил 1 мартга қадар 46 масжид рўйхатдан ўтган, 181 таси ўтиш арафасида. Шулардан 84 таси Денов тумани ҳисобига тўғри келади, 18 таси Сарийсё, 21 таси Шўрчи туманлари ҳудудида.

Денов туманидаги «Тожикистон» жамоа хўжалиги Пистамозор қишлоқ кенгаши чойхона қуриш ҳақида қарор чиқарган ва шу мақсад учун ер ажратган. Чойхонага деб ажратилган жойларда ҳам аслида масжид бунёд этиляпти. Айни бир пайтда шу жамоа хўжалиги аъзоларидан уй-жой сўраб, ариза берган 285 колхозчининг 125 нафари ер ололмади сарсон бўлиб юрибди. Хўжаликдаги бешта болалар муассасаси молиявий таъминоти оғирлашгани сабабли фаолиятини тўхтатган. Шу тумандаги «Ҳазорбоғ» давлат хўжалигида 10 та, Худойназаров номидаги жамоа хўжалигида эса 9 та масжид қад кўтармоқда.

Ангор тумани марказида 1,5 гектар майдонни эгаллаган жомий масжиди қурилишига туман раҳбарияти бошқош бўлиб турибди. Ширкатчилар, кичик корхона ва фирмалар, ҳуллас, халқ ризиқини туя қилиб келаётган кўпгина нотайин идоралар ва шахслар масжид ҳаражатларига деб 100 мингдан 500 мингга қадар пул атаганлар.

Шаккоклик деб ўйламану, баъзан иккиланиб қолган киши: улуғ бобокалонларимиз Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирза Бобур, ҳазрати Навоий, Ҳусайн Бойқаролар, наҳотки, бизнинг ҳокимларимиздан «номусулмонроқ» бўлганлар?! Масжиду мадраса ўз йўлига. Ахир улар салтанат хазинасидан ажратилган маблағ-у табиат ато этган куч-ғайратлари, ақл-заковатларини йўллар, роботлар, кутубхонаю муолажахоналар, ҳаммомлар, борингки, расадхоналар тиклашга сарфламаганларми! Халқнинг кундалик хайри қорига ярайдиган юмушларга қўл уриш қачондан бери савоб бўлмай қолди? Ҳокимларимизга элнинг дуосидан кўра шўҳрат, сохта обрў кўпроқ керак шекилли. Бундай ҳотамтойларга, аччиқ бўлса ҳам айтаман: ҳокимлигингизни қилинг ёки салла ўраб масжидга имом бўлинг!

Жамоат тартибини сақлаш ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш, жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича вилоят маъмурий органларида жуда қўпол хатолар, қонунбузарликлар мавжуд. Вилоятда содир этилган жиноятлардан 33,5 фоизи оғир жиноят экани фойта ташвишлидир. 1991 — 1992 йилларда 1300 жиноят очилмай қолган. Қасддан қилинган еттига қотиллик, бешта оғир тан жароҳати, 17 та босқинчилик, учта зўрлаш ва ўнлаб ўғрилик, талончилик хатти-ҳаракатлари шулар жумласидандир.

Жиноятчиликнинг бу қадар томир отиши жиноий унсурларнинг хатти-ҳаракати билангина боғлиқ бўлмай, маъмурий органларнинг қўпол хатолари ва айрим ҳолларда уюшган жиноятчилик билан тил топишгани оқибатидир. Тергов органлари содир этилган қўлба оғир жиноятларни ёпиб юбормоқдалар. Айрим инсофсиз ва диёнатсиз судьяларнинг «марҳамати» туфайли жиноятчилар қонуний жазодан қўтилиб қолмоқдалар ва янги-янги жиноятларга қўл урмоқдалар. Масалан, ҳарбий қисм омиборидан 32 дон пулемёт ўғирлаган Антишев деган шахснинг атиги бир йилга озодликдан маҳрум этилганини қандай изоҳлаш мумкин? Уша пулемётлар жиноятчилар қўлига тушиб қолса нима бўларди? Жиноят содир этилгани тўғрисидаги шикоятларни текширишда юзакчилик, суд-медина экспертизасини четлаб ўтиш, жабрланувчидан аризадасидан воз кечгани ҳақида тилхат олиш, жиноий ишларни кўриб чиқиш муддатига риоя қилмаслик, пайсалга солиш, имкон борича уни ёпти-ёпти қилмоққа уриниш

тергов органлари фаолиятидаги ханфли иллатга айланмоқда.

Кўп ҳолларда тергов органлари уюшган жиноятчилар билан умумий мақсад йўлида бирлашиб кетмоқдалар. Шу йил 11 февраль кунини деновлик Ж. Ҳайдаров, Д. Фатҳидинов ва Ж. Силаев қоровулни кўрқитиб, зўравонлик қилиб магазин омиборхонасидан 40 килограмм сариёғ ва 20 килограмм пахта ёғини кўппа-кундузи ўмариб кетишибди. Магазин мудири Э. Худойкулов босқинчиларни инсофга қақирса, уни роса калтаклашибди. Денов шаҳар ички ишлар бўлими терговчиси Д. Азизов оған жиноий иш юзасидан икки кунгина тергов олиб борилган, холос. Кейин эса ишни силлиққина ёпиш тараддудига тушиб қолади. Маълум бўлишича, босқинчилар тўдасининг бошлиғи Ж. Ҳайдаров Сурхондарё вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари М. Бозоровнинг яқин қариндоши бўлиб, у Денов шаҳрида илгари ҳам кўп бора безорилик қилган, қонунни бузган экан.

Денов туманида «ғузорлик»лар ва «тоғчи»лар деб ном олган қариндош-уруғчилик тўдалари ҳамда улар ўртасидаги зиддият кўпчиликка, шу жумладан туман ҳокими ва маъмурий органларга ҳам беш қўлдек аён эди.

Шаҳарнинг «ёғли» жойларини кўп йиллардан буён таллашиб келаётган бу икки тўдани тартибга чақириб ҳеч кимнинг хаёлига келмади. Тўда вакиллари тўқнашуви ва кейинги ур-йиқитлар натижасида бир киши ҳалок бўлди, бир киши оғир тан жароҳати билан касалхонага тушди. 12 хонадонга ўт қўйилди. Ачинарли томони шундаки, бу жиноий ишда ҳам ҳуқуқ-тартибот органи вакили — Денов шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи Чориевнинг қўли бўлган.

Деновдаги тартибузарликлар Сурхондарё вилоятида раҳбарлик ва бошқаруving бой берилганидан далолатдир. Бунини бошқача изоҳлаш мумкин эмас.

Мен вилоят ҳокими Ҳаким Бердиевни яхши билман. У ҳалол, тўғри инсон. Лекин кўнгилчанлиги бор. Ҳокимликка сайланаётганида ҳам, ундан кейин ҳам мен бунини Бердиевнинг юзига рўйи-рост айтиб, бир неча марта огоҳлантирганман. Аммо у ҳамюртлари, сафдошларининг бегараз танқидидан вақтида тўғри хулоса чиқара олмади. Охир оқибат кўнгилчанлиги панд

бериб, қариндош-уруғлари унинг елкасига чиқиб олишди. Мен бу ерда ҳокимнинг муовинларини ҳам оқламоқчи эмасман. Вилоятдаги нохуш ҳодисаларда уларнинг ҳам айби бор. Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти вилоят ҳокими Ҳаким Бердиев, ҳокимнинг биринчи ўринбосари Мамаюсуф Холбоевлар бошқа ишга ўтганликлари муносабати билан уларни вазифасидан озод этиш ҳақидаги таклифни овозга қўйди. Халқ депутатлари таклифни бир овоздан маъқуладилар.

Сурхондарёнинг мард, меҳнатқаш, ақл-заковатли халқи бор, — деди Президент. — Вағрикенг, айни замонда орияти баланд бу эл фарзандларини ҳурмат қилмаслик мумкин эмас. Вилоятга четдан раҳбар олиб келсак, юзларингизга оёқ қўйган бўлаемиз. Мен яна шунга аминманки, ўз юрти, эли учун жонини ҳам аямайдиган, каттани ака, кичикни ука деб халқ бошини қовуштирадиган раҳбар Сурхондарёнинг ўзидан ҳам топилади. Шу масалада мен туман ҳокимлари, халқ депутатлари билан маслаҳатлашдим. Фикримиз бир жойдан чиқди.

Ўзбекистон Президенти қонуний ваколатидан фойдаланиб, Сурхондарё вилояти ҳокимлигига Жўра Норалиевни, ҳокимнинг биринчи ўринбосари лавозимига Жовбўри Абдулҳакимовни тавсия этди.

Вилоят халқ депутатлари бу икки номзодни юксак лавозимга яқдидлик билан сайлашди.

Президент Ислоҳ Каримов Жўра Норалиев ва Жовбўри Абдулҳакимовни янги лавозим билан таъинлаб, вилоят меҳнатқашлари олдида турган вазифалар ҳақида гапирди. Музокарада сўзга чиққанлар шу кунларда ҳамма нарсадан азиз бўлган тинчлик-хотиржамлик учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдириб, республика раҳбарияти юргизётган ички ва ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлашларини айтдилар.

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов, вазириликлар, идоралар, ҳуқуқ-тартибот органларининг вакиллари иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати.

ЧИГИТ ЭКИШ КUNДАЛИГИ

БИЗ ҲАМ ОРТДА ҚОЛМАЙМИЗ

ДЕҲҚОНЧИЛИКДА белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида, маромида ҳамда сифатли бажарилиши, табиийки, ишнинг қандай ташкил этилганига, назоратнинг амалий ёрдам билан қўшиб олиб борилишига боғлиқдир. Янгийўл район ҳокимлиги бошқа мавсумларда бўлганидек, чигит экиш жараёнида ҳам бу масалага катта эътибор бераётир. Шу мақсадда махсус штаб тузилди. Штабга ҳокимнинг ўзи бошчилик қилмоқда. Район деҳқончилик санвати уюшмасининг етакчи мутахассислари, тажрибатор деҳқонлар штаб

аъзолари ҳисобланишади. Улар гуруҳларга бўлинишган. Ҳар бир гуруҳга маълум участкалар бериб берилган. Шу кунларда гуруҳ аъзолари қизгин иш олиб бормоқдалар. Улар эрта билан дала айланишга киришадилар. Ҳар бир хўжаликда, жамоаларда бўлиб, чигит экишнинг қандай бораётганлиги, ким илғору, ким қолақлигини ўрганадилар. Фикрларини, таклифларини жамлаб кечқурун соат 19 да тўпланишади. Бир кунлик иш муҳокама этилади. — Ишчи ана шу тахлитда ташкил этиш, — дейди

штаб бошлиғи, район ҳокими Абдуғани Юсупов, — катта самара бераёпти. Штаб аъзолари далаларда бўлишганида, айниқса, экиш агрегатларининг қандай созланганлиги, уларга ишчи қисмлари тўла ўрнатилганми, йўқми, экиш жараёнида ер шароитига қараб тракторлар қандай тезликда ҳайдалаяпти, уруғ бир текисда тушяптими, йўқми, ўғит солиб кетиш қандай... Кўпроқ ана шу масалалар диққат-эътиборда бўлади. Мануният билан айтиш мумкинки, айни кунларда барча хўжаликларда экиш

умуман олганда яхши бораёпти. Кечаги кунга қадар 3,5 минг гектар майдонга чигит қадалди. Далаларда 70 та агрегат ишламоқда. Ерлар яхши тайёрланганлиги ва текисланганлиги, механизаторлар ўз маҳоратларини ишга солаётганликлари учун ҳам унумдорлик анча яхши бўлмоқда. Ҳар бир агрегат билан кунига ўртача 10—12 гектар майдонга чигит экилмоқда.

— **Кўчма устахоналар борми?**

— Бундай устахоналар аллақачоноқ шай қилиб қўйилган. Уларнинг учтаси экиш мавсумига мослаштирилган. Зарур ускуналар билан таъмин этилган. Устахона таъмирчилари даламала айланишлар. Зарур бўлиб қолганда техника хизмати кўрсатилади.

— **Қайси хўжаликлар пешқадамлик қилишяпти?**

— «Тинчлик» жамоа хўжалиги деҳқонлари чигит

экишни тугалладилар ҳисоб. Бу ерда дастлабки кунларда экиш оби-тобида олиб борилди. Сифатга эътибор қўйилди. Ниёзбошликлар ҳам улардан ортда қолишмаяптилар. Умуман бошқа хўжаликларда ҳам чигит экишнинг бориши ёмон эмас. Мўлжал бўйича районимизда чигит экишни кеч билан 20 апрелда тугаллаймиз.

Абдуғани Юсупов экиш мавсумини муваффақиятли ўтказишда инсон омили ҳал қилувчи роль ўйнашлиги, шунинг учун ҳам далада ишлаётганларга зарур шарт-шароитларни яратиб бериш доимий эътиборда бўлаётганлигини ҳам мисоллар билан айтиб берди.

Янгийўлликлар барча имкониятларини, тажрибаларини ишга солиб, мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратмоқдалар.

Н. РИХСИЕВ.

• Мана бунди ҳалоллик дейдилар! •

ҲАЁТДА нималар бўлмайди дейсиз. Покдомон одамларнинг ажойиб фазилатлари ҳамиша таҳсину-офаринларга нойил бўлган. Яқинда таҳририятимизга пойтахтимиздаги 3628/0311-омонат касса хизматчиси Надежда Ивановна Кавтасовадан бир мактуб келди. Унда баён қилинган воқеа қалбимизда илиқ бир мужда, ғалати бир қизқиш уйғотди. Бизда касса ходимаси мингдан-минг бор раҳмат айтган киши билан тезроқ учрашиш ништанга туғилди.

Биз Ҳожиакбар Валихўжа ўғли Азимовни Мирзо Улуғбек туманидаги 241-ўрта мактабдан топдик. 60 ёшлар чамасидаги отахон келишимиз бонсини англагач, бир зум сукут сақлаб қолди.

— Мен ҳаддан ташқари бир иш қилибманмики, уни шов-шув қилсак, мен виждоний бурчимни адо этдим, холос...

— Тўғри, лекин сизнинг қилмишингиз замирида катта савоб ва ибрат мазмуни бор. Илтимос, воқеани сўзлаб берсангиз?..

Ҳожиакбар ака ноилоҳ рози бўлди.

— Мен шу яқин орада — Циалковский кўчасидаги 430-уйда яшайман. Оллоҳга шукр, пиру-бадавлат оила бошлиғиман. Ушбу мактабда эски ўзбек тилидан дарс бераман. Ўзингиздан қолар гап йўқ, ҳар бир нисоннинг рўзгор-пўзгоридан орттирган беш-тўрт тагаси бўлади. Мен ҳам яқинда яхши ният билан бироз заём олиб қўймоқликни дилимга тугиб, «Салом» чойхонаси қошидаги омонат кассасига бордим. Одам кўп экан. Навбатим келди. Йигирма минг сўмимни ичкарида ўтирган ходимага узатдим. Пулни санаб, ўрнига ўрин икки юз элик-талиқдан заём берди. Духти

анчагина. Ҳамёнга уриб, уйга жўнадим. Сабур янгангиз чой дамлаб ўтирган экан. Дастурхон устида заёмларни ўзимча яна бир бор санаб кўрай дедим-да, уларни чўнтақдан чиқардим. Бир минг... беш минг... ўн беш минг... йигирма минг....

«Е раббий, бу нимаси!.. Саноқдан чиқиб қолибманми?! Қайта санашга киришдим... Яна... Яна. Олти марта бўлди...»

Рагим бошқача бўлиб кетган экан шекилли, янгангиз «Тинчликми?... Ҳой, сизга нима бўлди, мазангиз қочаптимми?...» деб қолди. Тилим танглайимда, гапга айланмайди. Юрагимнинг «гуп-гуп»ини эшитиб турибман.

— Йигирма минг ўрнига... қирқ минг бериб юборибди-ку!..

— Йўғ-е... Энди янгангиз ғалати бўлиб кетди.

Апил-тапил заёмларни йиғиштириб, кассага жўнадим.

Ҳамон касса одамлар билан гавжум. Секин олдинроқ ўтдим. Ходиманинг эътиборини ўзимга тортиб, гапирмоқчи бўлдим. «Ишингиз битдини, ҳалақит берман!» деб у мени жеркиб берди. «Заёмни ошиқча бериб юборибсиз». «Ишдан қўймаг, дедим-ку, ундай бўлиши мумкин эмас!».

Касса мудирига мурожаат этишга тўғри келди. Заёмлар қайта саналди. Гапим

тўғри чиқди. Собит Собиров, Абдужалил Абдусаломов, Пётр Пирожков, Маҳаммаджон Худойбергенов деган кишилар гувоҳлигида ошиқча Йигирма минг сўмни қайтариб бердим. Йигилгалар ҳайратда. Яланг «Ҳақиқий мусулмон экансиз!» дейишди деи.

...«Шундай воқеа бўлганлиги рост. — деб ёзади жумладан, Н. И. Кавтасова ўз тасдиқномасида, — одам кўпчилиги ёхуд чарчаганлигим туфайлими, ҳар ҳолда, Х. Азимовга чиндан ҳам Йигирма минг сўмлик заёмни ошиқча бериб юборибман. Лекин, бу ажойиб нисон бироз муддатдан сўнг виждон амри билан, ўз ихтиёри билан ошиқча заёмларни қайтариб берди. Унинг бу ҳаттиҳаракатлари чиндан ҳам таҳсинга, мақтовга сазовордир. Шахсан мен унга астойдил, чин юракдан ташаккур айтаман. Шундай одамлар кўпаяверсин, шундай одамлар бор бўлсин!».

Р. УМАРОВ.

• Оҳангарон хабарлари

ҚЎЗИЛАР КЎПАЙДИ

Оҳангарон району «Ангрен» ширкат-жамоа хўжалиги районда биринчилардан бўлиб қўзи олиш йиллик режасини ортин билан бажарди. 5 минг 300 бош ўрнига 5 минг 400 тадан энёд соғлом ва тетик қўзи олинди. Бу ютуқда бош чўпон А. Холтўраев, чўпонлардан А. Холтўраев, М. Жўраев, Н. Убайдуллаев, Б. Бойчаев, Э. Холбоевларнинг муносиб улушлари бор.

У. МАНСУРОВА.

НУРОБОД ОБОД БЎЛМОҚДА

ОҲАНГАРОН районининг Нуробод қўрғони йилдан-йилга ободонлашиб, янги турар-жойлар, болалар боғчалари, алоқа бўлими, дам олиш уйлари барпо этилмоқда. Шу йилнинг дастлабки ойида бу ерда 33 квартиралар 3 та янги уй қурилиб, фойдаланиш учун топширилган эди. Яқинда нурободликлар қурувчилардан шинам ва кўркам қилиб қурилган яна 6 та коттеж ва 19 квартиралар 67-уйни қабул қилиб олдилар ва ҳовли тўйларини бошлаб юбордилар.

Шу йилнинг сентябрь ойида, яъни Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллиги арафасида қурувчилар жажжи кичкинтойлар учун ҳам муносиб тортиқ қилиш ниятидалар. Қўрғон ҳудудида янги болалар боғчаси ишга тушиши кўзда тутилмоқда.

Т. ТОШБОЕВА.

• Ёнғиндан сақлаш хизматининг 75 йиллиги

«01» ҲАМИША ТАЙЁР ТУРАДИ

Халқимизда «ўт балоси, сув балосидан ўзинг асра», — деган гап бор. Бу бежиз айтилмаган. Ҳақиқатан ҳам, айрим кишиларнинг лоқайдликлари, ёхуд ўз вази-фаларига масъулият билан ёндошмасликлари туфайли содир этилган ёнғин кўплаб хунук воқеаларга сабаб бўлиши, нафақат моддий, балки жуда катта маънавий зарарлар келтириб чиқариши, кўп ҳолларда эса ёш гўдаклар умрига завола бўлиши мумкин.

Шу боисдан ҳам ёнғиндан сақлаш хизмати ходимларининг жамиятимизда тутган ўринлари беқийс бўлиб, уларнинг зиммаларига катта масъулият юклатилган. Уларнинг ўз касбларига бўлган садоқатлари, жасур ва тезкорликлари туфайли кўплаб ноҳушликлар бартараф этилади, энг муҳими — инсон ҳаёти сақлаб қолинади. Бугун ана шундай шарафли касб эгалари ўзларининг 75 йиллик байрамларини нишонламоқдалар. Бу байрамга Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси ходимлари ҳам муносиб улуш қўшмоқдалар, деб айтиш мумкин.

Жумладан, ўтган 1992 йил ва шу йилнинг биринчи чорагида вилоятда содир бўлган уч ярим мингга

яқин ёнғин бартараф этилди. Оммавий ахборот, телевидение ва радио орқали ёнғинга қарши ташвиқот ва тушунтириш ишлари олиб борилганлиги ҳам яхши самаралар бермоқда. Ёнғин, нн олдини олиш бўйича матбуотда 305 га яқин рангбаранг мақолалар уюштирилди, вилоят кинотеатр саҳналарида 2,5 мингга яқин киносеанслар, жойларда болалар ва ўсмирлар ўртасида 678 маротаба тушунтириш ишлари олиб борилди, ёнғиндан сақланиш қондалари ўргатилди.

Айниқса, бу борада Олмалиқ, Янгийўл, Чирчиқ ва Ангрен шаҳарларида жойлашган мустақил ҳарбийлашган ўт ўчириш қисмлари, Ўртачирчиқ, Тошкент, Қибрай районлари ўт ўчириш қисмларининг ишлари мақтовга лойиқдир.

Шаҳар ва район ёнғиндан сақлаш назорати нозирлари ҳам ўз фаол хизматлари билан халқ хўжалиги объектларида, корхона ва муассасаларда ёнғин содир бўлмаслиги учун чора-тадбирлар кўришмоқда. Бу ишларда Қибрай райони ёнғиндан сақлаш назорати катта нозир ички хизмат катта лейтенанти Ҳаёт Йўлдошев, Тошкент районидан ички хизмат майори Убайдулла Абдурахмонов, Зангиота районидан

ички хизмат капитани Ҳамидулло Ҳайитовлар фаол қатнашмоқдалар. Вилоятимизда 10 нафардан кўпроқ ходимларимиз «Ёнғин ўчиришга кўрсатган жасурлиги учун» медали билан, бир неча ходимларимиз қимматбаҳо совғалар ва фажрий ёрликлар билан тақдирландилар.

Вилоятимиздаги олти шаҳарда катта ёнғинларни ўчириш ва табиий офат жароҳатларини бартараф этувчи энг замонавий техника ва малакали мутахассислар билан таъминланган ўт ўчирувчи таянч пунктлари кеча-ю кундуз хизматга тайёр турадилар. Ана шундай таянч пунктларидан бирининг ёрдами туфайли ўтган йилнинг 27 декабрь кунини янги Ангрен ГРЭСида содир бўлган хавfli ёнғин вақтида бартараф этилди.

Ёнғиндан сақлаш хизмати ходимларининг жисмоний чиниқлишларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Қисмларимизда ўт ўчириш амалий спорти билан шуғулланиш учун барча шартшароитлар мавжуд. Ўтган йили Олмалиқ шаҳрида республика биринчилиги учун ўтказилган мусобақаларда вилоятимиз вакиллари муносиб иштирок этиб, ўт ўчириш амалий спорти бўйича биринчи ўринни

эгаллаб, совридор бўлдилар. Э. Кистаубаев, В. Зарубин, А. Абдураимов, А. Саприкин, А. Эсерпепов каби спортчиларимизнинг чиқишлари кўпчилигининг олқишига сазовор бўлди. Бир қатор вакилларимиз спорт устаси, спорт усталигига номзод, I ва II даражали спортчилар деган шарафли ном олдилар.

Ёнғиндан сақлаш хизмати ходимлари ўз фаолиятларини мустақил Ўзбекистонимиз бойликларини, халқ мулкани табиий офатдан сақлаб қолиш учун йўналтирадилар, бунинг учун кеча-кундуз постларда уларига юклатилган катта масъулиятни сидқидилдан бажараверадилар.

К. АСАНОВ,
ички хизмат майори.



● СУРАТЛАРДА: ўт ўчирувчилар машқ пайтида.



• Ҳажвчи шоир Усмон УМАРЗОДА—80 ёшда •

ҒАЗАБЛИ ҚАҲ-ҚАҲАЛАР УСТАСИ



Э.Л.ГИНИЧИ йилларнинг ўргалари, дорилфунунда талабаллик йилларим эди. Езувчилар уюшмасининг Биринчи Май кўчасидаги биносида Йоган Вольфганг Гёте ижоди бўйича қандайдир тадбир ўтказилиб, унда атоқли аллома Мақсуд Шайхзода жуда яхши маъруза қилдилар. Тадбир тамом бўлгач, уюшма залидан Шайхзода домла билан бирга чиқдик. Йўл-йўлакай суҳбатда домла менинг қаердан эканлигимни суриштирдилар ва оҳангаронлик эканлигимни билиб, «О, ул гўшада Усмон Умарзода яшайдилар, танийсизми ул табаррук зотни», дедилар. Мен ҳали бу кишини танимас, ҳатто исмларини ҳам билмас эдим. Домланинг олдида анча мулазм бўлдим.

Шундан кейин мунтазам равишда «Муштум»ни излайдиган. ундан домла

Шайхзода мақтаган Усмон Умарзоданинг шеърларини қидириб, топиб ўқийдиган бўлдим. Кейинроқ эсладим. Мен Усмон аканинг шеърлари билан анча илгари танишган эканман-ку, аммо Шайхзода домла била суҳбатда шу нарса хаёлимга келмаган экан. Мен Усмон аканинг ҳар доим ўқувчини ўзига жалб қилувчи «Муштум»да босилган ҳажвияларини ҳузур қилиб ўқийдиган бўлдим. Энди хаёлимга келди. Эллик иккинчи йиллар бўлса керак, 8-синфнинг ўқувчиси Усмон Умарзоданинг ўша пайтда «Муштум»да босилган «Оҳангаронда бор гаплар» номли шеърини фелъетонини ўқиб, талантили шоир билан биринчи бор танишган эканман. Кейинроқ, туман газетасида ишлаб юрганымда, бу кам гап, босиқ, суҳбатдошини тинглай оладиган, сермулоҳаза, фикрлаш ҳофизаси жуда кенг шоирга тоғдек меҳрим ортган ва бу меҳрини ҳали ҳам у кишининг табаррук ёшларига ва ибратли шахсларига нисбат бериб келаман.

Усмон Умарзода Оҳангароннинг дўппидек қишлоғи — Теловда таваллуд топиб, ўзининг ҳозирги 80 ёшигача бўлган умрини шу ерда яшаб ўтказмоқдалар. Таби-

тан шоир бўлган бу одамнинг юморининг қаҳрамонлари кулги олдида ипсиз боғланган қуёндай, юксакликдан ағдарилиб, инсон кулгуси олдида ер-парчин бўлган лаганбардор, ҳушомадгўй, халқ мулкига кўз олайтириб, кейинчалик тузоққа тушган юлғичлар, ёлғончи, иккиюзламачиларни кўз олдингизга келтиради. Чўлпон домланинг таъбири билан айтганда, ҳеч нарсдан қўрқмайдиган одам ҳам кулгидан, кишилар олдида кулги бўлишдан қўрқади. Адабиётимизнинг кекса авлодига мансуб бўлган ҳурматли адибимиз Усмон Умарзода эса ана шу кулгининг, аниқроғи ғазали қаҳ-қаҳаларнинг қуйиб қуйган устаси ҳисобланади. Унинг «Ука», «Қабулхонада», «Айлаганлардан», «Кўрганман» сингари ва сўнгги пайтларда ёзган жуда кўп сатирик шеърларини эслашнинг ўзи кифоя. Сиз бу сингари асарларда қаҳрамонларнинг юмор билан омухталаниб кетган ҳолатда тасвирланишидан ҳузур қилиб куласиз, уларга нисбатан ичингиздан ғазали қаҳ-қаҳа отилади, шу билан автор талантининг чексизлигига қойил қоласиз.

Аруз вазнининг устаси, сатира ва юморнинг изчил тарғиботчиси бўлган Усмон Умарзода ҳозир ҳам ижоддан қолгани йўқ. Шу пайтгача унинг ўндан ортиқ сатирик шеър ва ҳикоятлардан иборат китоблари

«Муштум кутубхонаси» серияларида босилиб, шинавандалар ҳукмига ҳавола этилган.

Мен Усмон аканинг китобларини жуда кўп ўқиганман. Ҳозир ҳам уйда, бирор нарсга ёзиб, чарчасам ёки бирор нарсдан дилим ҳуфтон бўлса, дарҳол китоб жавонимдан Усмон Умарзоданинг китобларини топиб олиб, уни ўқий бошлайман. Бу сатирик ва юмористик асарларни ўқиб ҳам ҳордиқ чиқараман, ҳам ёзмоқчи бўлган мақолаларимга мавзу топаман. Зеро, Усмон Умарзода ижодининг бетакрорлиги ҳам шунда.

Усмон ака — улкан адиб. У ўз вақтида Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода билан улфат бўлган. Адабиётимизнинг бугунги яловбардорлари Иброҳим Раҳим, Яшин домла, Эркин Воҳидов, Абдулла Ҳожи Орипов ва бошқалар билан доимий алоқада бўлиб туради. Теловдаги мўъжазгина тор кўчанинг чорраҳасидаги кичкина кўк эшикли уйдан ҳозир ҳам Усмон аканинг муҳлислари: шоирлар, журналист, шеър муҳлислари узилмайди.

Саксон ёшга кирган Усмон ака ҳали ҳам бақувват, тегтик, шаҳдам, ҳамон ғазали қаҳ-қаҳаларнинг янги-янги пайровларини топиб, муҳлисларини қулдириб, одамларга кулги улашиб турадилар. Унинг бетакрорлиги ҳам шунда.

Етмишинчи йилларнинг охири бўлса керак, адибнинг хонадонидан бўлганимизда, қайсидир бир адабий танқидчи дастурхон устида, «Биласизларми, Усмон ака кимга ўхшайди?» дея қаромат айтмоқчи бўлганда, Абдулла Орипов унинг сўзини шартта бўлиб, «Усмон Умарзода фақат ўзига ўхшайди», деган эди. Менимча, Хожи Абдулло ўшандаёқ юз фоиз қаҳ эдилар. Дарҳақиқат, Усмон ака фақат ўз овози ва услубига эга бўлиб, фақат ўзларига ўхшайдилар. Лекин бирон бир тадқиқотчи адабиётшуноснинг ҳали унинг ижодида қўл урмагани кишини афсуслантиради. Аммо кўпчилик китобхонлар Усмон акани ҳали ҳам завқ-шавқ билан ўқийдилар, унинг ёзганларини излаб юрадилар. Устозга биз янада узоқ умр ва сихатлик тилаймиз.

Мўмин ҚАЮМ.

Усмон УМАРЗОДА

ҚИЛАДУРМАН

(Ашаддий безори-дилозорнинг ўзини халққа танитгани)

Мен кимман ўзи, ёзни зимистон қиладурман, Ўзимни хону, соямни майдон қиладурман. Обрувниги тўкиб, ер била яксон қиладурман, Жингини эзиб, асабини вайрон қиладурман. Ёнинг деса биров, таъбини ҳуфтон қиладурман. Йўқдир ҳайқиш, менга мадакдор «яримта», Ҳар бир «ҳуварим» тешасида бор «яримта», Юз хил касофатга этиб дучор «яримта», Юртга танитиб, айлади номдор «яримта», Ундан дам олиб, наъмани чандон қиладурман. Ахлоқ-одобнинг, эски мато, эски тушунча, Ҳурмат деганинг кўҳна бисотдаги тугунча, Иззат нимамини, унга ҳушум йўқ мени унча, Қўй, эзмаланиб менга насихат қилма мунча, Тобингни олиб, ошингни ёвғон қиладурман. Одам боласи менга сира келмайди баробар Турқимни кўриб, ҳурқади ёпу-қари аксар, Қайга қадамим етса, у ер ағдару — тўнтар, Қарғиш-хуружим, авж оламан тобора баттар, Лаънатни ялаб, ҳулқимни нордон қиладурман. Лаззатланаман бу дилозорлик ҳуваримдан, Урган бу ҳунар рўзи азал қоқ юрагимдан, Тап тортмасам ҳам, «тарбия» берган падаримдан, Қонунга ишам тушиб агар тутса баримдан, Сичқон нияга ўзимни гўмдон қиладурман.

АЙЛАГАНЛАРДАН...

Бу одам бир маҳаллар амру-фармон айлаганлардан. Амални нўхталаб, майдонда жавлон айлаганлардан, Идора эшигига ғов солиб, ким кирса, ҳай-ҳайлаб. «Ижозатсиз кириш таъқиқ...» деб, эълон айлаганлардан. Болшидек папкасини қўймай қўлидан ҳатто тўйларда. Чирик савлатни ҳар зум у намоён айлаганлардан. Одобни эрта кунда тарк этиб, обрўмга нуқсон, деб, Одамлик шайнини мансабга қурбон айлаганлардан. Ўздан зўр амалдорларга ҳар қанча «емниш» бўлса, Кичикларни титиб, ўлгунча «нимжон» айлаганлардан. Тилидан бол томиб, хизматга тайёрмиз, деганларга, Уларнинг мушкулни бир зумда осон айлаганлардан. Қуруқ арзга қулоқ солмай, вужудидан ёғиб ғурбат, «Шираси» томмагунча зору сарсон айлаганлардан. Салом берсанг, алиқ олмасданок у талпиниб қўлга, Жигилдон дардига қадрини арзон айлаганлардан. Кўчиб кир-чир амалдан кетган энди паст қадамларда, Сотиб ғийбат, тўкиб иғвони чандон айлаганлардан. Ҳозирда қўлда тасбеҳ, бошда салла, наллада ҳалла, Тилида амру-маъруф, ҳафзи Қуръон айлаганлардан.

МИРФОЗИЛНИНГ ҚАЙТА ҚУРИШИ

Мирфозилнинг омади кулган,
Шу кишида амалнинг зўри.
Қайга борса унга аталган
Меҳмонхона, уйларнинг тўри.
Ишхонада яқна ўзим дер,
Бошқаларнинг раъйи бир тийин.
Бас келаман деганлар панд ер,
Хўп, демаса, ўзига қийин.
Қўлтиқлайди таниш-билишни,
Режаларни донм «амаллар»,
Кимга ёқмас унинг қилмиши,
Таваккал деб ишни жадаллар.
Чуви чиқса, «нор»ларга такъя,
Юки ерда қолмаган, қолмас.
Баъзи ишлар ўртада ҳуфъя,
«Саҳий»ларни кимлар тан олмас?!

Қайта қуриш... Мирфозил уйда,
Нимани у қайта қуради?
Идорада, кўчада, уйда
Шу тўғрида хаёл суради.
Изланганга топилар бешак,
Мирфозил ҳам тошда йўлини.
Қилиб қайта қуришни дастак,
Ишга дадил урди қўлини.
Фермага бош эди оғаси.
Бўлди унга кассирлик тадбир.
Кассир эди кичик тоғаси,
Уни қилди фермага мудир.
Кадрларни шу тахлит таялаб,
Очилди бу ишдан чиройи,
Шундан кейин қараса ўйлаб,
Қайта қуриш бўпти киройи!

КЎРГАНМАН

(Қўлма-қўл, тўйма-тўй юриб, кўпни кўрган бир тойчоқнинг деганлари)

Бошим ёш бўлса ҳам мен бир талай ғавғони

кўрганман,
Боши тўй-сур, кети ўй-сур-ажаб савдон кўрганман.
Кезиб қишлоқ-шаҳарлар хилма-хил маъвои кўрганман.
Пуч обрў деб пучайган қилмиши бежони кўрганман.
Текин топиб керилган тиллари буррони кўрганман.
Йўлиқдим: ҳали далоил, ҳали қассоб, ҳали жаллобга,
Қасам урган балохўр, эски туллак, сийқа қаллобга,
Урнб тўқсонни юздан, «тантйбой» бўлган ноинсофга,
Қилиб кўз-кўз ўрашди ҳар сафар бахмалу-зарбофга,
Ориятга олинган серҳашам сарпони кўрганман.
Кўнқим бошга тушгач ноилж тўйлар ҳавосига,
Қадам ташлаб менам мастонавор сурнай навосига,
Ғижинглаб кишнаб ҳардам, завқланиб қарнай

садосига,
Етиб тўйхонага охир, бу нззатлар жазосига —
Қуруқ охурга боқиб, «ҳасрати дунёни» кўрганман.
Бу тўйлар сарфни кўрган, эсиз кунлар увол, дейди.
Ҳалол меҳнат пулига шунча талтаймоқ маҳол дейди.
Бу коса тагида «ним коса» бўлса, эҳтимол, дейди.
Қулоғимга чалинган: халқ манманга завол, дейди.
Солиб чўп эл кўзига оқибат расвои кўрганман.
Мана, тўй ном чиқарга қилди, сал кун номи ҳам

чиқди.
Ҳиёнат қопчиғи таре ёрилиб «ишқал хўжам» чиқди.
Кетиб иш чаппасига сув текни ташвишу ғам чиқди
Пуч обрў деб керилган ниқобдор бир «тўрам» чиқди.
Охири аттанг-аттанг дегувчи «доно»ни кўрганман.



КҮРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

23.55 «Мегамикс». Танаффуе пайтида [23.00] — Янгилликлар.

«ДУБЛЬ IV»

17.00 — 18.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ
17.00 Тури тили дарси.
17.30 Хабарлар.
17.40 Мусиқий дақиқалар.
18.00 Концерт.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

18.20 «Ҳақиқат онлари». А. Караулов саволларига адвокат А. Манаров жавоб беради.
19.15 «Экспомарказ» таништи-
ради.
19.20 «Динозавр бўлмайдими».
19.35 Душанба кунини детектив.
«Лани страйк» таништиради.
«Ифлос пуллар». «Криминал
ҳодисалар» туркумидан.
20.30 «Июша ҳузурда».

21.00 Туркия телевидениеси.
Хабарлар.

21.20 «Юлдузлар билан суҳ-
батда».
21.30 Спорт кўрсатуви.
21.35 «Сатирикон» студияси.
«Куршопала» меҳмонларни
қабул қилади.

13.05 «Кечки салон» саҳифа-
ларида.
14.40 «Телебиржа».
15.10 Янгилликлар.
15.25 «Рост» студияси. «Эски
тегиримон».
15.55 Трайсроссфир. «Аҳвол-
лар қандай, Уфат».
16.40 Мультифильм.
16.50 Спорт кўрсатуви.

17.00—19.45

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

17.00 Турк тили дарси.
17.30 Хабарлар.
17.40 «Сезам» нўчаси.
18.10 Мусиқий дақиқалар.
18.30 Хабарлар.
18.40 Экранда турки киноси.

19.45 «Уй қуриш бизга ҳеч
гап эмас».
20.00 «Экспомарказ» таништи-
ради.
20.05 Хонаки экран. «Санта-
Барбара». Кўп серияли ба-
дий телефильм премьераси.
156-серия.

21.00 Туркия телевидениеси.
Хабарлар.
21.20 «Юлдузлар билан суҳ-
батда».
21.25 Россия Федерацияси Олий
Кенгашининг сессиясида.
21.45 «Мусиқий синов». Ёш
эстрада хонандаларининг
танлови.

Свердловски киностудияси-
нинг 50 йиллиги.
14.15 «Агар сиз...».
14.45 «Бизнес» янги номлар.
15.00 Янгилликлар.
15.15 «Рост» студияси. «Муси-
қий синф».
15.45 Трансроссфир. «Узоқ
Шарқ».
16.30 Христианлар учун иб-
ратуви.

17.00—19.05

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

17.00 Турк тили дарси.
17.30 Хабарлар.
17.40 «Сезам» нўчаси.
18.10 Туркиядан мактублар.
18.30 Хабарлар.
18.40 Концерт.

19.05 Хонаки экран. «Санта-
Барбара». Кўп серияли ба-
дий телефильм премьераси.
157-серия.
19.55 Криминал хабарлар эк-
рани.
20.05 «Нота бене». «Ленинизм
сабоқлари».
21.00 Туркия телевидениеси.
Хабарлар.

21.20 «Юлдузлар билан суҳ-
батда».
21.30 Спорт кўрсатуви.
21.35 «Нижегород отўйини» фес-
тивалининг очилмиши.
23.10 «Зоопарк» гуруҳидаги
Майк.
00.10 Баскетбол шарҳи.

Душанба, 19. IV

УзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгилликлар.
18.10 Болалар учун фильм.
18.40 «Оламини асранг».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти
[рус тилида].
19.50 Эълонлар.
19.55 «Учрашув». «Ўзбекистон
овози» газетасининг 75 йил-
лигига.
20.10 «Оқшом эртақлари».
20.25 «Назм ва наво». Нодира
таваллудининг 200 йиллиги-
га.

20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 «Қаҳрамонлик мадҳи».
Тўхтасин Аҳмедов ҳақида
телеочерк.
21.55 «Кўшиқ рақсга уланса».
Мусиқий кўрсатуви.

22.35 «Қонунчилик ва муста-
қиллиқни ривожлантириш».
23.05 Футбол бўйича Ўзбекис-
тон чемпионати. «Сўғдиёна»
[Жиззах]—«Пахтакор» [Эзиб
олинган].

00.35 Эртанги кўрсатувлар
тартиби.

УзТВ II

18.30 Болалар учун. «Совға».
19.00 «Мухаббат тароналари».
Фильм-концерт.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти
[рус тилида].

19.50 «Соғлом авлод учун».
Бевосита мулоқот.
20.40 «Йўлингиз бехатар бўл-
син».
21.00 «Лаҳза». Хабарлар.
21.15 «Фоқат қизлар учун»
[такрор].
22.10 «Лаҳза». Хабарлар.
22.25 «Иккинчи баҳор». Бадий
фильм.

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати
билан душанба, 19 апрель ку-
ни «Орбита IV» кўрсатувлари
соат 17.00 дан. «Дубль IV» кўр-
сатувлари соат 18.20 дан на-
мойиш этилади.

«ОРБИТА IV»

17.00 Янгилликлар [сурдо тар-
жимаси билан].
17.20, 20.20 — Кўрсатувлар
тартиби.
17.25 Давлатлараро «Останки-

но» телеканал «Салом, ме-
нинг қадрдонларим» кўрс-
тувини таништиради.

17.55 «Мулкдор алифбоси».
18.10 «Гол».

18.40 Ҳафтанинг акс садоси.
19.10 «Горячев ва бошқалар».

Бадий телесериал премье-
раси. 10-серия.

19.40 Хайрли тун, кичкинтой-
лар!

19.55 Эълонлар.

20.00 Янгилликлар.

20.25 «Горячев ва бошқалар».

Бадий телесериал премье-
раси. 11-серия.

20.55 «Спорт уик-энди».

«Янги студия» таништиради:

21.10 «Бомонда».
21.50 «АТВ-брокер».
22.00 «Выбор-2000».
23.35 «ТВ-галерея».

Сешанба, 20. IV

УзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Томоша». Фильм-концерт.
8.00 «Лев Толстой». Бадий
фильм. 1-серия.
9.15 Ўзбек тилини ўрганамиз.
9.45 «Ёшлик» студияси. «Уй
бекаларига маслаҳатлар».
10.25 «Уорлднет» телекомп-
аниясининг янгилликлари
[АҚШ].

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгилликлар.
18.10 Болалар учун. «Доно бо-
бо даврасида».
18.50 «Тадбиркор».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти
[рус тилида].
19.50 Эълонлар.
19.55 «Спортлото».
20.00 «Нодир хазина». «Ўзбек
телефильм» премьераси.
20.10 «Оқшом эртақлари».
20.25 Республика ёш мақомчи-
лар танловининг ғолиби Хўр-
шида Урунова концерти.
20.55 Эълонлар.

21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 «Устозим ёд этиб». Га-
фур Фулом таваллудининг 90
йиллигига.

22.15 Футбол бўйича Ўзбекис-
тон чемпионати. «Навбахор»
[Наманган] — «Нефтчи»
[Фарғона]. Эзиб олинган.

23.00 «Зудов, ишдан бўшати-
дингиз». Бадий фильм.

00.20 Эртанги кўрсатувлар тар-
тиби.

УзТВ II

18.30 «Уолт Дисней таништи-
ради...». Мультифильмлар тў-
плами.

19.20 Манзарали фильм.

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти
[рус тилида].

19.50 Ўзбекистон Давлат теле-
радиокомпанияси камер ор-
кестри ижро этади.

20.30 «Бу оқшомда».

22.00 Эълонлар. «Киноингоҳ».

«ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 17.20, 20.20 — Кўр-
сатувлар тартиби.
5.00 Янгилликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгилликлар.

8.20 «Ассалом, оптоқ ой!». Чи-
тадаи кўрсатилади.

8.30 «Оддий Мария». Кўп се-
рияли телевизион бадий
фильм премьераси.

9.15 «Гол».

9.45 «Горячев ва бошқалар».

Бадий телесериал. 10 ва 11-
сериялар.

10.50 «Матбуот-экспресс».

11.00 Янгилликлар.

Кундузги киноэкспресс

11.20 «Улик жонлар». Беш се-
рияли телевизион бадий
фильм. 1 ва 2-сериялар.

13.45 Мультифильм.

14.00 Янгилликлар [сурдо тар-
жимаси билан].

14.25 «Ишбилармонлар хабар-
номаси».

14.40 «Конверсия ва бозор».

15.10 «Ён дафтар».

15.15 Мультифильмлар.

15.35 «Стартизиджер».

16.15 «Технодром».

16.25 Мультифильм.

17.00 Янгилликлар [сурдо тар-
жимаси билан].

17.25 Ф. Шуберт. 1-симфония.

17.55 «Оддий Мария». Кўп
серияли телевизион бадий

фильм премьераси.

18.40 «Мавзу».

19.40 Хайрли тун, кичкинтой-
лар!

19.55 Эълонлар.

20.00 Янгилликлар.

20.25 Долзарб интервью.

20.55 «Мосфильм» киносту-
диясининг 70 йиллигига. «Хо-
тима». Бадий фильм.

22.45 «Матбуот-экспресс».

23.00 Янгилликлар.

23.35 Хоккей. Жаҳон чемпио-
нати. Швеция — Канада тер-
ма командалари. Герма-
ниядан кўрсатилади.

01.35 «Сибсат» студияси та-
ништиради. «Кузатувчилар
ва референдум».

«ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

7.25 Ишбилармон кишилар
даври.

7.55 Мультифильмлар.

8.15 «Ҳақиқат онлари».

9.10 Ишдан бўш пайтингизда.

«Кўли бер, дўстим».

9.25 «Бола тилидан».

9.55 «Халқ фраки».

10.50 «Параллеллар».

11.10 Хонаки экран. «Улим ун-
чалим кўрчинчи эмас». Ба-
дий фильм.

12.45 «Деҳқонларга тааллуқли
масала».

20.20 «Сибсат» студияси та-
ништиради.

20.55 «Тиллар оламини кашф
этади».

21.05 Телевизион бадий
фильм.

22.10 «Талаб қилинган кино».

22.40 Шеърят альбоми.

23.00 Янгилликлар.

23.35 Футбол. Чемпионлар ли-
гаси. «Глазго рейнджерс»
[Шотландия] — МАСК. Шот-
ландиядан олиб кўрсатилади.

01.20 «Матбуот-экспресс».

«ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

7.25 Ишбилармон кишилар дав-
ри.

7.55 «Аз есмь».

8.25 «Июша ҳузурда».

8.55 «Санкт-Петербург балети».

9.40 «Мусиқий синов». Ёш
эстрада хонандаларининг тан-
лови.

10.40 Мультифильм.

10.50 Ишдан бўш пайтингизда.

«Хонаки клуб».

11.05 Хонаки экран. «Санта-
Барбара». Кўп серияли ба-
дий телефильм. 156-серия.

11.55 «Натта жангел».

12.40 «Деҳқонларга тааллуқли
масала».

13.05 Кундузги сеанс. «Шаҳар-
лик қиз». Бадий фильм.

Чоршанба, 21. IV

УзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Шермат Файзуллаев
куйлайди». Фильм-концерт.
8.00 «Лев Толстой». Бадий
фильм. 2-серия.
9.25 Турк тили.
9.55 «Ёшлик» студияси. «Баҳор
таровати».

10.35 «Уорлднет» телекомп-
аниясининг янгилликлари
[АҚШ].

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгилликлар.
18.10 «Фан уфқлари».
18.40 «Элга хизмат».
19.10 «Арча, гандир, олов».
Телефильм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти
[рус тилида].
19.50 Эълонлар.
19.55 «Осойишталик посбонла-
ри».
20.10 «Оқшом эртақлари».
20.25 Ўзбекистон Давлат теле-

радиокомпанияси эстрада-
симфоник оркестрининг кон-
церти.

20.55 Эълонлар.

21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.

21.30 «Ўзбекистон — қадрдон
юртим. Руслар». 1-фильм.

22.35 Жумҳурият газеталари-
нинг шарҳи.

22.45 Ўзбекистон халқ артисти
Фуломжон Ёқубов куйлайди.

23.35 Эртанги кўрсатувлар тар-
тиби.

УзТВ II

18.30 «Сухбатга чорлеймиз».

19.10 «Спринт».

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти
[рус тилида].

19.50 «Билим сарчашмалари».

20.20 «Микрофон».

20.50 «Ҳамжиҳатлик».

21.35 «Кинотриада».

«ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 17.20 — Кўрсату-
влар тартиби.

5.00 Янгилликлар.

5.35 Эрталабки гимнастика.

5.45 «Тонг».

8.00 Янгилликлар.

8.20 «Тингланг, томоша қи-
линг».

8.40 «Оддий Мария». Кўп се-
рияли телевизион бадий
фильм премьераси.

9.30 Диний кўрсатуви.

10.00 «Янги авлод танлайди».

10.50 «Матбуот-экспресс».

11.00 Янгилликлар.

Кундузги киноэкспресс

11.20 «Улик жонлар». Беш се-
рияли телевизион бадий
фильм. 3 ва 4-сериялар.

14.00 Янгилликлар [сурдо тар-
жимаси билан].

14.25 «Телемикст».

15.10 «Ён дафтар».

15.15 Мультифильмлар.

15.40 «Янги номлар».

16.20 «Клуб-700».

16.50 «Технодром».

17.00 Янгилликлар [сурдо тар-
жимаси билан].

17.25 «Сибсат» студияси та-
ништиради.

18.00 «Оддий Мария». Кўп се-
рияли телевизион бадий
фильм премьераси.

18.45 «Кинопанорама».

19.40 Хайрли тун, кичкинтой-
лар!

19.55 Эълонлар.

20.00 Янгилликлар.

Пайшанба, 22. IV

УзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Юртининг азиз сий-
молари». Телефильм.
8.05 «Бир лаҳзалик кўрнув».
Бадий фильм.
9.30 «Араб тили».

10.00 «Қалдирғоч». Фильм-
концерт.
10.30 Уқув кўрсатуви. Ўзбек
адабиёти. Зулфия пирикиси.
11.00 «Уорлднет» телекомп-
аниясининг янгилликлари
[АҚШ].

11.30 Уқув кўрсатуви. Ўзбе-
кистон халқлари тарихи.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00 Янгилликлар.

18.10 «Кичкинтой» студияси.
«Томоша».

18.40 «Солиқлар ҳаммага те-
гишли». Телевизион кино-
журнал.

18.50 «Бу турфа олам».

19.2

15.15 Мультфильм.
15.30 «Олеся ва компания».
16.00 «Қизлар ўртасидаги сир».

19.55 Эълонлар.
20.00 Янгилликлар.
20.25 «Визбор чўққиси». Телевизион бадий фильм.

«ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Ишбилармон кишилар давр».

12.35 «Дехқонларга тааллуқли масала».
13.00 Кундузги сеанс. «Эттиз уч».

18.30 Хабарлар.
18.40 Дин ва маданият. «Санта-Барбара».

Жума, 23. IV

УзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Рақс соҳибаси». Фильм-концерт.
8.05 «Урдак кўли воқеаси».

20.25 «Одобиома».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.

УзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ
18.30 Хабарлар (рус тилида).
18.40 «Автоукаа туйшугу».

5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тоиг».
8.00 Янгилликлар.

жимаси билан].
17.20 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Хамдўстлик».

дий телефильм, 158-серия.
11.55 «Пилигрим». Россия сажатлар бюроси.

17.00—18.35

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 Турк тили дарси.
17.30 Хабарлар.
17.40 «Сезам» кўчаси.

Шанба, 24. IV

УзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».
8.00 «Хамма гап акамда». Бадий фильм.

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Ихтиро ва кашфиёт».

УзТВ II

17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ.
«ОРБИТА IV»
5.45, 7.30, 14.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби.

М. Задорнов.
9.00 «Тиббиёт ҳамма учун».
9.40 «Қизил космос».

иштиради. «Анна Каренина». Уч серияли бадий фильм премьераси.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.15 Видеофильм.
16.00 Музица.
17.00 «Овросиё».

Якшанба, 25. IV

УзТВ I

7.00 «Улмас мерос». Телефильм.
7.20 Севги тароналари.
8.00 «Туркистон» ахбороти.

20.10 Жаҳон спорти янгилликлари.
20.20 «Дил номалари». Мусликий кўрсатуви.

УзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ
8.05—11.05 «Баластан» студияси кўрсатади: «Хуш хабарлар».

5.55 «Руҳий чиниқтириш».
6.55 Янгилликлар.
7.35 Эрталабки гимнастика.

ловчилар».
17.05 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатуви.

«ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.20 «Лена ва Рита». Ҳужжатли фильм.

10.15 Фольклор. «Рязанда тўйлар».
10.45 Инпрас Мажейка. «Кичик Европа»дан репортажлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.15 Ҳужжатли фильм.
20.00 «7 ёшдан 77 ёшгача».

ФУТБОЛ

ХУЖУМКОР ЎЙИН

● ОЧИҒИ, ўйингоҳга келган футбол мухлислари ҳам, мутахассислару, қолаверса футболчиларнинг ўзлари ҳам «Политотдел» — «Сўғдиёна» баҳси бунчалик голларга сароб бўлишини кутишмаган эди.

Мавсумда ўз майдонида қўш талабага эришган, сафарда эса кетма-кет икки марта мағлубиятга учраган колхоз футболчиларининг бешинчи турдаги рақиби ўтган йилги Ўзбекистон биринчилигининг бронза совриндори — Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоаси эди. Меҳмонлар тўрт ўйиндан сўнг олти очко билан пешқадам учликдан ўрин эгаллаб келишадиган эди. Бунинг устига рақибларининг ҳимоя чизиги анча мустаҳкам эди. Тўрт ўйинда бор-йўғи битта тўп ўтказиб юборилган. Кейинги уч учрашууда дараозабон Андрей Кудимова ўз дараозасини «қулфлаб» даҳлсиз сақлай олганди. Мазкур ўйини бошланishi биланоқ меҳмонлар ҳисобини очишга муваффақ бўлишди. Футбол мухлисларига яхши таниш бўлган Валерий Любушиннинг ўғли Вадим Любушин саккинчи минутда «Политотдел» дарвозасини тўғри нишонга элди. Меҳмонлар ҳали ўзларини ўнглаб ололмастлар.

риданоқ И. Пуцкоа ҳисобни 2:0 га етказди. Баҳс бундай тус олишини кўпчилик кутмаган эди. Иккинчи бўлимнинг 58-минутда Диёр Файзиева учинчи тўпни киритди. Ана шундан кейингина майдон эгалари ўйинида кескин бурилиш сезилгандек бўлди. 61-минутда Олег Дачев, 71-минутда А. Винников «Сўғдиёна» дараозасига иккита тўп киритишди. Бироқ меҳмонларнинг моҳир ҳужумчиси Диёр Файзиева 83-минутда орадаги фарқи яна биттага оширди. 85-минутда О. Шацких рақибларини ўйини марказдан бошлашга мажбур қилди. Ҳисоб 3:4. Бу тўпдан сўнг майдон эгалари бутун команда бўлиб ҳужумга ўтдилар. Лекин вақт тугаб борарди. Ниҳоятда кескин ва шиддатли ўтган бу ўйинда омад меҳмонларга кулиб боқди.

Бешинчи турнинг яна бир учрашуви Косонсойда бўлди. Фарғонанинг «Нефчи» клуби майдон эгаларини 1:0 ҳисобида енгди. Шу турнинг қолган ўйинлари кеча бўлиб ўтди.

Бешинчи турнинг яна бир учрашуви Косонсойда бўлди. Фарғонанинг «Нефчи» клуби майдон эгаларини 1:0 ҳисобида енгди. Шу турнинг қолган ўйинлари кеча бўлиб ўтди.

«МАЪДАНЧИ»НИНГ САФАРДАГИ ҒАЛАБАСИ

● ЎЗБЕКИСТОН миллий биринчилиги биринчи табақасида аилотимиз спорт шарафини ҳимоя қилаётган Бекободнинг «Маъданчи» футболчилари навбатдаги ўйинни Шахрихонда ўтказишди. 47-минутда Кайгородов киритган ягона тўп футболчиларимизга талаба келтирди. Чирчиқнинг «Кимёгар» жамоаси Андижон вилоятининг «Савай» командасига қарши бўлган ўйинда 2:3 ҳисобида енгилди. Олмалиқнинг «Холис» футболчилари Навоийнинг «Зарафшон» футболчиларини (ягона тўпни 55-минутда Раҳимов киритди) енгилди.

Бугун биринчи табақа вакиллари ўртасида навбатдаги бешинчи тур ўйинлари бўлади. Вилоятимизнинг уччала вакили ўз майдонларида ўйнайди. Олмалиқ футболчилари Марғилоннинг «Атласчи», Бекобод командаси Бухоронинг «Ситора», чирчиқликлар Қашқадарёнинг

«Машъал» клубини қабул қиладилар. Биринчи табақа вакиллари ўртасида тўрт турдан сўнг жамоаларнинг эгаллаб турган ўрни қуйидагича:

Жамоалар	Тўплар	Очко
Атласчи	11—3	8
Сурхон	8—3	6
Локомотив	6—2	6
Боғдод	3—2	5
Холис	2—3	5
Машъал	8—7	4
Ситора	4—4	4
Зарафшон	4—5	4
Маъданчи	3—3	4
Шахрихон	1—3	3
Савай	3—6	3
Насаф	2—5	3
Сувчи	2—6	3
Бахт	5—5	2
Прогресс	3—5	2
Кимёгар	3—6	2

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҳақиқати
МУАССИСЛАР: ХАЛҚ
ДЕПУТАТЛАРИ ТОШ-

КЕНТ ВИЛОЯТ КЕН-
ГАШИ ВА «ТОШКЕНТ
ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНА-
ЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.



● НАВРҮЗИ олам шодиёналари давом этмоқда. Пойтахтдаги Моделлар ўйи чеварлари ҳам бу байрамни хушчақчилик билан нишонладилар. Катта дошқозонда ош дамланиб, дастурхон тuzалди. Санъаткорлар, шоирлар ва корхона қошидаги 440-болалар боғчаси кичкинтой-

ларининг чиқишлари барчани хушнуд этди. Моделлар ўйи директори Гафур Иброҳимов ҳаммани байрам билан табриклаб, илгорларга гул ва эсдалик совғаларини топширди. СУРАТЛАРДА: ана шу байрамдан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ЭЪЛОН

ҲАММА ЯРМАРКАГА

Корхоналар, ташкилотлар, жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликларининг раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ «УЗАВТОТРАНС» АКЦИОНЕРЛИК КОРПОРАЦИЯСИ

ШУ ЙИЛ 21 АПРЕЛДАН 23 АПРЕЛГАЧА

автомобиль транспорти қисмлари, узеллари ва агрегатларини сотиш бўйича

САВДО-ЯРМАРКА ЎТКАЗАДИ

Ярмаркага қуйидагилар қўйилади:

- турли маркалардаги автомобиллар ва автобуслар. Жумладан, Минск, Кременчуг ва Москва автозаводларида ишлаб чиқарилган автомобиллар;
- юк автомобилларининг прицеплари ва ярим прицеплари («Узавтосозлаш» концерни корхоналарида тайёрланган);
- гараж ва ностандарт ускуналар;
- автомобилларнинг осма электр асбоблари;
- «ГАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ» оиласига мансуб автомобиллар ва двигателларнинг эҳтиёт қисмлари;

- Ярославль мотор заводида тайёрланган двигателлар;
 - ранг-баранг резина-техника буюмлари. Чунончи, автомашиналар.
- Булардан ташқари Сиз савдо-ярмаркада автомобиллар, уларнинг узеллари ва агрегатларини капитал таъмирлаш, махсус ҳаракат жиҳозлари, гараж ва ностандарт ускуналар ҳамда автомобилларингиз учун бошқа кўп хилдаги эҳтиёт қисмларни тайёрлаш юзасидан тайёрловчи корхоналар вакиллари билан шартномалар ҳам тузишингиз мумкин.

СИЗ ҲАЛИ ЯРМАРКАМИЗДА БУЛГАНИНГИЗ ЙУҚМИ? У ҲОЛДА ШОШИЛИНГИ!

БИЗ СИЗЛАРНИ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГОҲДА ҚУТАМИЗ: Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 18-уй, Тошкент тажриба-таъмирлаш заводи.

ТЕЛЕФОНЛАР: 33-13-84, 33-53-68.